

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМАТОВ ЭЛӢР ЖУМАБОЕВИЧ

**БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)

Раҳматов Элёр Жумабоевич

Божхона соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари3

Rahmatov Elyor Jumaboyevich

Organizational-legal basis of state administration in the customs sphere authorities.....27

Раҳматов Элёр Жумабоевич

Организационно-правовые основы государственного управления в таможенной сфер.....47

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМАТОВ ЭЛЁР ЖУМАБОЕВИЧ

**БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ,
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Yu184 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич
юридик фанлар доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Отахонов Фозилжон Хайдарович,
юридик фанлар доктори, профессор;

Ахмедов Даврон Қувондиқович,
юридик фанлар доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

**Божхона қўмитасининг Божхона
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил 4 март соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1117 билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2023 йил «18» февралда тарқатилди.

(2023 йил «18» февралдаги 4-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Ҳақимов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

Б.А.Нариманов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

И.Р.Беков,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви улар мустақил тараққиётининг ғоятда муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади. Ўтмишга назар солсак, Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни боғлашга хизмат қилган Буюк Ипак йўли ҳам иқтисодий ҳамда маънавий-маданий муносабатларга киришиш эҳтиёжи юзасидан пайдо бўлган десак, асло муболаға бўлмайди. Шу боис, мустақил давлатимиз халқаро майдонда тенг ҳуқуқли субъект бўлиб миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда хорижий давлатлар билан ҳар томонлама муносабатларни жадал амалга оширмоқда. Бу борада албатта божхона органларининг ўзига хос ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Божхона постлари давлатимиз юзи, биринчи таассурот шу ердан бошланади”¹.

Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда тургани ачинарли, албатта. Айтайлик, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, бизда бунга 1 ойлаб муддат сарфланади”. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банки томонидан олиб бориладиган Doing Business (Бизнесни юритиш) тадқиқотининг 2020 йил натижаларига кўра “солиқ солиш” кўрсаткичи бўйича жаҳон давлатлари ўртасида 69-ўринда бораётган бўлса-да, “чегаралар бўйлаб савдо қилиш” кўрсаткичи бўйича 152-ўринда турибди. Мазкур ҳолат мамлакатга инвестицияларни киритиш ёки Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти юритишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Кези келганда шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи иқтисодий муносабатларининг устувор йўналишларини белгилаб олганлиги, ташқи савдони ривожлантириш, тамомила янги божхона тизимини шакллантириш ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш имконини берди. Энг муҳими, божхона тизимини функционал ва институционал бошқаришни самарали ташкил этиш мақсадида замонавий технологияларни татбиқ этиш учун шарт-шароит яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”²ги Фармонида мувофиқ маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш, ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида “Электрон ҳукумат” тизими ва замонавий ахборот-коммуникация

¹ Божхона тизимини коррупциядан холи қилиш – энг устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 17 февраль куни божхона тизимини янада ислох қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида сўзлаган нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4985>

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й., 06/18/5304/0591-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон

технологияларини янада кенг жорий этиш белгиланганлиги божхона соҳасини рақамлаштиришнинг истиқболли йўналишларини бошлаб беради десак, асло муболаға бўлмайди. Давлат бошқаруви таълимотида рақамлаштириш одатий бўлмаган тамомила янги воқелик ва трансформациялашув жараёни бўлиб уни мавзу предмети доирасида тадқиқ этиш истиқболли илмий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (2019), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (2019), Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни (2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 – 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 5 июндаги ПФ–6005-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4022-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятини маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ

ҳолда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги шароитда ҳуқуқшунос олимлар томонидан гарчи божхона соҳасида давлат бошқарувининг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг замонавий ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб концептуал ва концепциявий ёндашувлар асосида яхлит тизимли тадқиқотлар амалга оширилмаган. Таъкидлаш жоизки, божхона органларининг айрим вазифалари ёки функциялари С.А.Алимбаев, О.З.Зайниддинов, Р.А.Тураповлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, божхона органларининг давлат бошқарув органлари тизимида тутган ўрни, уларнинг фаолият йўналишлари А.Турсунов, Қ.Бердимуратов, С.Гулямов, Т.Раҳмонов, О.Жидкова, А.Жўраев, С.Исамухамедова, Ғ.Сафаров ва бошқа олимлари томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан божхона бошқарувига оид масалалар А.Аграшенков, М.Н.Блинов, В.Н.Иванов, А.Ф.Ноздрачев, А.А.Гравина, П.С.Тишковский, Ю.Петров, Ю.И.Кудрявцева, В.Сенчагова, Ю.Л.Чернецкийлар томонидан тадқиқ этилган. Бундан ташқари, божхона органлари ва бу борадаги давлат сиёсати билан боғлиқ масалалар Майкл Кин, Ллойд Л. Веинреб, Ҳамидреза Алипур Ширсавар, Масумех Ширинпур, Жейн А.Баллок, Жорж Д.Хеддоу, Деймон П.Коппола, Аҳмет Инжекара, Мурат Уста ўғлилар томонидан таҳлил қилинган¹.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқот ишларида асосан божхона органлари фаолиятининг умумий жиҳатлари ўрганилган бўлиб, мамлакатимизда божхона соҳасида давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари комплекс тарзда монографик тадқиқот объекти бўлмаган. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда маъмурий ислохотларнинг жадал амалга оширилиши, божхона соҳасида давлат бошқарувининг рақамлаштирилиши, унинг шакл ва усулларида замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларни самарали татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Энг муҳими, божхона маъмуриятчилигини ислох этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, “қоғозсиз ва электрон божхона”нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган “рақамли божхона” шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштиришга оид мақсадли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланганлиги, бу борада асослантирилган ҳулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, божхона қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида рўй берган ўзгаришлар ҳамда жаҳон ва минтақавий иқтисодий интеграциянинг жадаллашуви бу борадаги илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан ихтисослик йўналиши бўйича махсус тадқиқотни амалга оширишни зарурият қилиб қўйди.

¹ Ушбу илмий ишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Тошкент давлат юридик университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ келади ҳамда “Божхона соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусидиги амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади божхона соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

божхона соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси, аҳамияти ва принципларини таҳлил қилиш;

божхона соҳасида давлат бошқарувининг генезиси ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;

божхона соҳасида рақамли давлат бошқаруви шакли ва усуллари тадқиқ этиш;

божхона соҳасидаги давлат бошқаруви органлари тизими, функция ва ваколатларини ёритиб бериш;

божхона органларининг давлат иқтисодий ва ҳуқуқий хавфсизлигини таъминлашда иштирокини тавсифлаб бериш;

божхона органларининг бошқа давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил этиш;

давлатлараро глобал иқтисодий интеграция шароитида божхона органлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг замонавий мўлжалларини тадқиқ этиш;

божхона органлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга оид энг яхши хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

божхона соҳасида давлат органлари фаолиятини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти божхона соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети божхона соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид соҳавий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда уларни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда мавзуга доир концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ

этиш, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши зарурлиги асослаб берилган;

божхона органларининг ўз фаолиятини амалга оширишида, шунингдек божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишларига қарши курашишида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шартлиги асосланган;

божхона органларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги электрон ахборот алмашинуvidан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги асослаб берилган;

давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан божхона органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни бепул асосда тақдим этиши лозимлиги асосланган;

божхона органлари умумжаҳон Интернет тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилган божхона тўғрисидаги қонунчиликка доир ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг монеликсиз фойдаланишини таъминлаши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Божхона соҳасида давлат бошқарувини институционал такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизия ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг божхона органларининг тезкор-қидирув фаолиятида сир сақлаш(конспирация) принципига амал қилинишини Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ–344-сон Қонунида мустаҳкамлаш бўйича таклифлар асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари, божхона органлари фаолиятини коррупциядан холи қилиш, унинг фаолият мустақиллигини таъминлаш, бошқа давлат ҳамда нодавлат органлари билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар (<https://www.scholar.google.com>, <https://www.jstor.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://www.proquest.com>, <https://heinonline.org>) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб

бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлик фаолиятида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, божхона қонунчилик ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда манба сифатида қўллашга ҳамда божхона ҳуқуқи, божхона иши ва маъмурий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатидан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлик фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида божхона ҳуқуқи соҳасига оид фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Божхона соҳасида давлат бошқаруви бўйича фаолиятни такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасини такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 06/2-06-сонли хати). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

божхона органлари ўз фаолиятини амалга оширишида, шунингдек божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишларига қарши курашишида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шартлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасини такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 06/2-06-сонли хати). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши божхона органлари томонидан божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишларига қарши курашишда ҳамкорликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

божхона органларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги электрон ахборот алмашинувидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси “Давлат

божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасини такомиллаштиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 06/2-06-сонли хати). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши божхона органларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги электрон ахборот алмашинувидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига хизмат қилган;

давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан божхона органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни бепул асосда тақдим этиши лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасини такомиллаштиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 06/2-06-сонли хати). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан божхона органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни бепул асосда тақдим этиш механизмларини жорий қилишга хизмат қилган;

божхона органлари умумжаҳон Интернет тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига доир ахборотдан шахсларнинг монеликсиз фойдаланишини таъминлаши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 380-моддаси биринчи қисмини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 21-сонли хати). Ушбу таклиф божхона тўғрисидаги қонунчиликка доир ахборотдан шахсларнинг монеликсиз фойдаланишларини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 6 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва «давра суҳбатлари»да муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари жами 12 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 4 та мақола (1 таси хорижий нашрда) ва тўпламлар таркибида 8 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрда) чоп этилган .

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган

олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Божхона соҳасида давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида божхона соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг тушунчаси ва принциплари, Ўзбекистонда божхона соҳасида давлат бошқарувига оид қонунчилик ҳужжатларининг ривожланиш тенденциялари, божхона соҳасида рақамли давлат бошқаруви шакли ва усуллари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан миллий (С.А.Алимбаев, О.З.Зайниддинов, Р.А.Турапов, А.Турсунов, Қ.Бердимуратов, С.Гулямов, Т.Раҳмонов, О.Жидкова, А.Жўраев, С.Исамухамедова, Ғ.Сафаров) ва хорижлик (Майкл Кин, Ллойд Л. Веинреб, Ҳамидреза Алипур Ширсавар, Масумех Ширинпур, Жейн А.Баллок, Жорж Д. Хеддоу, Деймон П.Коппола, Ахмет Инжекара, Мурат Устаўғли) олимлар ва тадқиқотчиларнинг мавзуга доир қарашлари таҳлил этилиб, божхона соҳасида давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Божхона бошқаруви, “божхона сиёсати” тушунчаси мураккаб тушунчалиги, унинг туб моҳиятини тавсиф этиш катта принципиал аҳамиятга эга ҳисобланиши, унинг муфассаллиги божхона сиёсати давлатнинг ташқи савдо сиёсатидаги мавқеини, бошқа сиёсий жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқ белгилиб беради. Шу боисдан божхона ишига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва такомиллаштиришда “божхона сиёсати” тушунчасини қандай таърифлаш масаласи доимо баҳс-мунозара ва тортишувларга сабаб бўлган. Бунинг асосида божхона сиёсатига бир неча хил таърифлар бериб ўтилган. Биламизки, божхона сиёсати ташқи савдони тартибга солишга ва мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда “божхона сиёсати” тушунчаси тарихий, илмий ва ҳуқуқий манбалар асосида очиб берилган. Унинг мақсад ва вазифалари баён қилинган.

Диссертант бу бўйича ўз фикрларини асослар экан, божхона сиёсати самарали божхона назоратини ташкил этиш, божхонада товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштириш шартларини белгилаш, божхона тўловларини ундириш ва бу соҳадаги имтиёзлар доирасини белгилаб бериш, божхона қонунчилигини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни ўрнатиш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш, ҳимоя қилишдан иборат эканлиги бўйича ўз муаллифлик таърифини бериб ўтади.

Ўз навбатида, божхона сиёсатининг бир қисми сифатида “божхона соҳасидаги давлат бошқаруви” тушунчасига илмий-назарий, ҳуқуқий таъриф

берилган бўлиб, бу борадаги ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазалари ҳам батафсил баён қилинган.

Тадқиқотчи бу бўйича ҳам ўз фикрини билдирар экан, божхона соҳасида давлат бошқаруви – божхона ишини яратиш, мустаҳкамлаш, унинг фаолият олиб боришини таъминлаш учун оптимал шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлат функцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келувчи бошқарув фаолиятининг алоҳида шакли бўлиб, ўзида субъект (давлат) ва объект (“божхона иши” институтини қамраб олувчи специфик алоқалар мажмуаси)нинг бу борадаги ташкилий, иқтисодий ва бошқа ўзаро алоқалари ҳамда ҳам жамият, ҳам божхона иши манфаатларининг ҳуқуқий материясида воситачилик қилишга қаратилган тизимини мужассам этганлигини алоҳида таъкидлайди.

Диссертант божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари ҳақида шунчаки тўхталиб ўтмасдан, уларнинг божхона органлари фаолиятида тутган ўрни ва аҳамиятини асослантириб берган. Хусусан, тадқиқотчининг фикрича, божхона соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг очиклиги ва шаффофлиги принципига риоя этилишида божхона органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати борлигини ҳисобга олган ҳолда конспирация принципига риоя этилиши талаб қилинади.

Шунингдек, диссертант мазкур принципларга қўшимча равишда яна бир нечта принципларни қўшиш зарурлигини таъкидлайди. Илмий методологиянинг тарихий-қиёсий усулидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасида давлат бошқарувининг шаклланиш тенденциялари батафсил ёритилган. Бунда асосий эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб то шу кунга қадар божхона органлари соҳасида қилинган ишлар, божхона органларининг тўлақонли давлат органи сифатида шаклланиши босқичларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган.

Божхона органлари шаклланиши даврлари бўйича фикр-мулоҳаза юритар экан, диссертант сўнгги йилларда божхона соҳасида давлат бошқарувида амалга оширилган инқилобий ислохотлар ва уларнинг ривожланиш тенденциясини алоҳида босқич сифатида таҳлил этган. Бугунги кунда божхона органлари фаолиятининг Жаҳон Божхона Ташкилоти стандартларини жорий этиш сари бораётган йўналишлари ҳақида фикр юритган.

Яна бир эътиборли жиҳати, диссертант бугунги кунда кенг тадқиқ этилаётган ва янги институт сифатида кўрилаётган “рақамли давлат бошқаруви”, уни божхона органлари тизимига татбиқ этиш истиқболларини мазкур бобнинг алоҳида параграфида таҳлил қилган. Тадқиқотчи божхона органлари фаолиятида рақамли давлат бошқаруви ҳақида тўхталишдан аввал рақамли давлат бошқаруви деганда нима тушунилиши ҳақида атрофлича фикр юритади. Бу бўйича бир қатор хориж олимларининг фикрларини келтириб ўтади.

Рақамли давлат бошқарувини жорий этиш бўйича Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари тажрибаси мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Ушбу давлатлар тажрибаси Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Жумладан, божхона органларида хавфларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва сунъий интеллектнинг жорий этилиш ҳолати ва унинг истиқболлари хусусида фикр юритади. Диссертант фикрича, янги технологиялар божхона органлари фаолиятида қуйидагиларни ўзгартиради:

биринчидан, товарлар, транспорт воситалари ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тўғрисидаги ахборот манбалари доираси кенгайди;

иккинчидан, зарур маълумотларни керак бўлган пайтда – божхонада расмийлаштириш чоғида олиш мумкин бўлади;

учинчидан, ҳужжатлар қоғоз тусида эмас, электрон тусда бўлади;

тўртинчидан, божхона хизматчиси билан божхона хизматидан фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқотни кескин қисқартиришга эришилади.

Диссертациянинг **“Божхона соҳасида давлат бошқаруви органлари функциялари, тизими ва ваколатлари”** деб номланган иккинчи бобда божхона органларининг бугунги кундаги тизими, функция ва ваколатлари батафсил таҳлил қилинган.

Изланувчи томонидан божхона соҳасида давлат бошқарувининг бир қатор йўналишлари ҳуқуқшунос олимларнинг (Г.А.Мензю, А.С.Мамасаидов, Л.М.Рябцев, С.А.Хапилин) илмий ёндашувлари асосида таҳлил этилган.

Тадқиқотчи фикрича, давлат бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган муҳим хизматлардан бири, шубҳасиз, божхона хизмати ҳисобланади. Тобора жадал суръатларда ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, давлатлараро моддий бойликлар, савдо-сотик кўламининг кенгайиши божхона органларидан, албатта, самарали божхона назоратини амалга ошириш билан бир қаторда божхона ишини доимий тарзда халқаро стандартларга мувофиқ равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг божхона соҳасидаги давлат бошқарувидаги умумий ваколатларига бирма-бир тўхталиб ўтилган. Юридик адабиётларда, қоида тариқасида, давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари (компетенцияси) характериға кўра умумий ва махсус ваколатли давлат органларига бўлиниши қайд этилган. Умумий компетенцияли органлар ўз фаолиятида кенг доирада масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлса, махсус ваколатли давлат органлари давлатнинг муайян бир белгиланган функцияси доирасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширади.

Диссертантнинг фикрича, божхона органлари фискаль назорат органи сифатида мамлакат бюджетига божхона тушумларининг тушишини таъминлайди, зарур ҳолларда божхона текшируви ва божхона аудитини амалга оширади. Шунингдек, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлида импорт-экспорт операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилади, контрабанда ва тақиқланган маҳсулотлар

айланмасига қарши курашади. Ушбу вазифаларни бажариш учун тезкор-қидирув фаолияти доирасида тезкор тадбирлар ўтказилади, ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш учун терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширади. Бунда барча куч ва воситалардан, хусусан, кинология хизматидан фойдаланади.

Шу сабабли божхона органларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мақомининг берилиши ҳар томонлама тўғри ҳисобланади. Чунки божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни профилактика қилиш, уларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, ўз вақтида фош этиш ва оқибатларини бартараф этиш каби тезкор вазифалар бўлиб, фискаль нозоратни бошқа орган, хавфсизлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлаш бошқа орган зиммасига юкланса, бу ўз-ўзидан санаб ўтилган тезкор вазифаларни бажаришнинг секинлашишига сабаб бўлади.

Ўз фикрини асослаш учун диссертант олимларнинг илмий-назарий қарашлари билан кифояланмасдан ривожланган давлатлардан АҚШ Чегара-божхона хизмати (US Customs and Border Protection) ва МДХ давлатларидан Беларусь Республикаси Давлат божхона хизмати фаолиятини Ўзбекистон божхона органлари фаолияти билан қиёсий таҳлил қилган. АҚШнинг “Қурол экспорти устидан нозорат тўғрисида”ги Қонуни (Arms Export Control Act), “Экспортни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни (Export Administration Act of, 1979), “Банк операциялари сири тўғрисида” Федерал қонуни (Bank Secrecy Act)да белгиланган божхона хизмати органлари вазифаларидан мисоллар келтириб ўтилиб, унинг Ўзбекистон тажрибасига ўхшаш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Божхона органларининг ҳам фискаль, ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган эканлигидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишида Республикада божхона соҳасида фаолият юритаётган давлат органлари ваколатларини ана шу ёндашувлар асосида баён қилишга ҳаракат қилинган. Божхона органларининг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, бу бўйича айрим хорижий олимларнинг фикрлари атрофлича муҳокама қилинган. Божхона органларининг нега айрим давлатлар тажрибаси мисолида Молия вазирлиги (РФ) бўйсунувида эмас, айнан мустақил орган сифатида ҳукумат бўйсунувида этиб белгиланганлиги масаласига алоҳида тўхталинган. Диссертант таъкидича, божхона органлари тизимини бошқа бошқарув органлари таркибида бўлмасдан тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсунуши божхона хизматига божхона ишининг асосий вазифаларини тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

Божхона органларининг давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда иштирокининг аҳамияти ҳам алоҳида параграфда баён қилинган бўлиб, аввало, иқтисодий хавфсизлик деганда нима тушунилиши ва бунда божхона органлари олдига қўйилган вазифаларга урғу берилган. Диссертант божхона соҳасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун божхона органлари олдига қуйидаги долзарб мақсадларни қўйиш лозим деб ҳисоблайди:

божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик асосларини божхона сиёсати даражасида ишлаб чиқиш;

божхона сиёсати асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган норматив-меъёрий талабларни шакллантириш;

божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви ва назоратини ҳамда бошқа воситаларни тўлиқ ва сифатли амалга оширишни таъминлаш;

иқтисодий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган комплекс чоратadbирларнинг мониторингини амалга ошириш ва уларнинг натижавийлигини баҳолаш;

божхона соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш.

Божхона соҳасида идоралараро ҳамкорлик ҳақида фикр юритар экан, диссертант бу борадаги Осиё (Таиланд, Хитой) ва Америка (Канада) давлатлари тажрибасидан мисоллар келтириб ўтади. Канадада божхона хизматининг идоралараро тезкор ҳамкорлигини таъминлаш учун ташкил қилинган Integrated National Security Enforcement Teams — INSETs (Хавфсизликни таъминлаш учун интеграциялашган миллий жамоа) ҳамда унинг аъзолари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Мазкур тизимни Ўзбекистонда жорий қилиш масалалари ҳақида фикр юритилган.

Хорижий давлатлар тажрибасини Ўзбекистон тажрибаси билан қиёслаш давомида бу борада ўзбек божхона тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилаётганлиги, бунинг натижаси ўлароқ божхонада юкларни расмийлаштириш вақти 10 баробаргача қисқарганлиги, илгари 12 та идорадан олинган 60 турдаги рухсатномалар “ягона дарча” орқали электрон шаклга ўтказилганлиги келтириб ўтилган. Айни пайтда, божхона хизматларини рақамлаштириш кўрсаткичларини 2022 йилда 70 фоизга, 2023 йилда 100 фоизга етказиш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилганлиги таъкидланган.

Умуман олганда, мазкур бобда миллий ва хорижий божхона органларининг функция ва вазифалари, тизими ва ваколатлари ҳамда уларнинг бошқа давлат ва нодавлат органлари, фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари, бу борадаги миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари атрофлича муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **“Жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнида божхона соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида давлатлараро глобал иқтисодий интеграция шароитида божхона органларининг ишини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, хорижий давлатларнинг божхона органлари фаолияти ва миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилган.

Тадқиқотчи ушбу бобда таъкидлаганидек, бугунги кунда дунё миқёсида давлатларнинг турли сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий иттифоқлар тузилганлиги ва тузилаётганлигига гувоҳ бўлинмоқда. Албатта, улар

ўзларининг фаолият мақсади ва йўналишларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладилар. Хусусан, Европа Иттифоқи давлатларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий иттифоқини намоён этса, ЖСТ – Жаҳон савдо ташкилоти, MERCOSUR – Жанубий Америка давлатларининг давлатлараро иқтисодий бирлашмаси, NAFTA – Шимолий Америка эркин савдо зонаси, ASEAN – Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси ва ЕОИИ- Евроосиё иқтисодий иттифоқи иқтисодий интеграция мақсадида тузилган халқаро ташкилотлар ҳисобланади.

Диссертант дунёнинг энг ривожланган минтақавий интеграция блоки сифатида Европа Иттифоқи тажрибасини алоҳида муҳокама қилади. Бунда Европа Иттифоқи миқёсида ва унга аъзо давлатларда божхона ишининг ташкил этилиши масалаларига тўхталиб ўтади. Бунда давлатлараро ахборот алмашинувининг электрон тизими йўлга қўйилганлиги ва ЕИ Божхона кодекси даражасида мазкур ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари белгилаб қўйилганлигига эътибор қаратади.

Бу борада Джордж Мироганнис, Давид Виддовсон, Т.Пардаев, С.Саломов, А.С.Юсупов, Ш.Дехқонов каби олимларнинг фикрларидан мисоллар келтириб ўтади. Уларнинг қарашлари бўйича ўз хулосаларини ҳам беради.

Диссертант давлатлараро иқтисодий интеграция миқёси ва кўлами кенгайиб борар экан, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон ҳам бундан четда қолмаётганлиги, хусусан, сўнгги йилларда Жаҳон савдо ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқида иштирок этиш бўйича кўплаб янгиликлар кузатилаётганлигига урғу бериб ўтар экан, ҳар икки иқтисодий иттифоқ ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида алоҳида-алоҳида фикр юритади. Бунда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) – мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот ҳисобланиши, унга 164 та давлат аъзо эканлиги ва бу ҳар бир аъзо давлат учун шунча янги бозор мавжудлигини англатишини таъкидлаб ўтади. Жаҳон товар айланмасининг 98,0 фоизи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг 97,0 фоизи ЖСТга аъзо мамлакатлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги бўйича статистик маълумотларни келтириб ўтади.

Тарихан 1995 йилда Россия ва Беларусь ўртасида имзоланган “Божхона иттифоқи тўғрисида”ги битимга асосланган Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида фикр юритилар экан, мазкур ташкилотда божхона муносабатлари ЕОИИ Божхона кодекси билан тартибга солиниши ва унинг ЕИ Божхона кодексига ўхшаш қилиб тузилганлиги таъкидланади.

Диссертантнинг таъкидлашича, ЕОИИнинг энг катта мамлакати Россия энг кичиги Арманистондан 574 марта каттароқдир ва шунга ўхшаш, Россиянинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Арманистондан 170 баравар катта. Умуман, Россиянинг ЯИМи қолган тўрт аъзонинг умумий ЯИМидан тахминан 6 баравар катта. Тўрт аъзо давлат – Арманистон, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг умумий аҳолиси қарийб 42 миллион, Россия аҳолиси эса 147 миллионга яқин. Шу жиҳатдан қараганда, умумий ЯИМнинг 87 фоизи,

умумий аҳолининг 80 фоизи Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келиши ҳамда ЕОИИга аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан барабар эмаслиги Россиянинг доминантлик позициясини намоён этади. Евроосиё Иқтисодий Комиссиясининг принципларига кўра, мазкур Комиссия қарорларни тенг вакиллик ва консенсус принципи асосида қабул қилиши – ҳар бир давлатга унинг иқтисодий кучи ва аҳолиси сони катта-кичиклигига нисбатан эмас, балки тенг аъзо сифатида қаралиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур қонданнинг амалий ифодасини яратиш эса ҳар жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида сўз юритар экан, диссертант бир қатор хориж (АҚШ, Канада, Корея Республикаси), шунингдек МДҲ давлатларининг (Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь) божхона соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон тажрибаси билан қиёсий таҳлил этилган.

Россия, Қозоғистон ва Беларусь тажрибаси ҳақида фикр юритар экан, диссертант мазкур давлатлар божхона қонунчилигининг ЕОИИ божхона қонунчилиги билан мос равишда тузилганлигига эътибор қаратиб ўтади.

Собиқ Иттифоқ давлатларининг божхона қонунчилиги хусусида ўз фикрини хулосалар экан, диссертант Болтиқбўйи республикалари Европа Иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида Ғарбий Европа божхона тизими билан интеграция қилинганлигини, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва Арманистон эса Евроосиё иқтисодий иттифоқини ташкил қилган ҳолда ягона савдо, шу жумладан божхона зонасини ташкил этишганлигини, Украина эса Европа Иттифоқига ассоциацияланган давлат сифатида ўз божхона тизимини Европа Иттифоқи стандартлари асосида ташкил этиш бўйича иш олиб бораётганлигини таъкидлайди.

АҚШ, Жанубий Корея божхона хизматида сунъий интеллектнинг кенг қўлланилаётганлигига эътибор қаратар экан, диссертант ушбу давлатларда мазкур жараённинг жорий ҳолати ҳақида бир қанча фикрларни баён этади.

Мазкур хорижий давлатларнинг ўрганилган тажрибасига мувофиқ божхона соҳасида давлат бошқаруви борасида миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилар экан, тадқиқотчи 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ–502-сонли “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунга божхона органларининг таркибий тузилмалари ўз фаолиятини маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил тарзда амалга ошириши ва бевосита Давлат божхона қўмитасига бўйсунуши тўғрисидаги нормани киритиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назорати органларининг ташқи иқтисодий фаолиятни нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни Божхона органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйиш, соҳага рақамлаштиришни жорий этишнинг ва “сунъий интеллект”ни татбиқ этиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ўзининг асослантирилган таклифларини келтириб ўтади.

ХУЛОСА

“Божхона соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулоса, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Божхона соҳасида давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари деганда божхона органлари тизимининг самарали функционал вазифасини бажариш мақсадида божхона тизимини қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини ўз ичига олган нормалар йиғиндиси тушунилади.

2. Божхона сиёсати умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ва иштирокчи-аъзо давлатларнинг конституциявий принципларига садоқат билан қатъий риоя қилган ҳолда божхона соҳасида ўзаро интеграцияси ҳар бир давлатнинг миллий мустақиллигига ва иқтисодий хавфсизлигига таҳдид соладиган сиёсий хавф-хатардан тамомила холи бўлган божхона соҳасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ташкилий-ҳуқуқий функционал фаолият юритиши лозимлиги илмий ва концептуал жиҳатдан асослантирилди.

3. Божхона сиёсати деганда мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган самарали божхона назоратини ташкил этиш, божхонада товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштириш шартларини белгилаш, божхона тўловларини ундириш ва бу соҳадаги имтиёзлар доирасини белгилаб бериш, божхона қонунчилигини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни ўрнатиш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар йиғиндиси тушунилади.

4. Давлат божхона бошқаруви деганда махсус ваколатли орган томонидан божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, товарларни ташиш, сақлаш ва қайта ишлашда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ҳамда божхона тўловлари ўз вақтида ва тўғри тўланишини таъминлаш; иқтисодий сиёсат чораларига, божхона режимларининг талаблари ва шартларига риоя этиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларига чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ комплекс ташкилий-ҳуқуқий ваколатларни амалга ошириш тушунилади.

5. Рақамли давлат божхона бошқаруви деганда божхона тизимининг трансформациялашуви шароитида божхона органлари ўз функция ва ваколатлари доирасида ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини автоматлаштирилган электрон маълумот узатиш, хавфни бошқариш тизимларини қўллаш, божхона расмийлаштирувини рақамли технологиялар орқали бошқариш, аҳоли ёки тадбиркорларга оқилона электрон хизмат кўрсатиш, идоралараро электрон ҳужжатлар алмашинуви, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш,

божхона бошқарув фаолияти масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ўзига қамраб оладиган жараён тушунилади.

6. Ўзбекистон божхона органлари тизимининг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкинлиги бўйича хулосага келинди: Божхона органлари тизимининг ягона ташкилий асосларини ишлаб чиқиш даври (1991–1993); Божхона органлари тизими асосларини ташкилий-ҳуқуқий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш даври (1993–1997); Божхона органлари тизими фаолиятини такомиллаштириш ва жаҳон андозаларига мослаштириш даври (1997–2002); Божхона органлари ва улар фаолият соҳаларини сифат даражасига кўтариш ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнини янада мустаҳкамлаш (2003–2016); Божхона органлари ва улар фаолият соҳаларини сифат даражасини янги босқичга олиб чиқиш, халқаро интеграциялаш ва рақамлаштириш даври (2016–ҳозиргача).

Энг муҳими, ҳар бир босқичда божхона органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган ислохотлар бирма-бир илмий таҳлил қилиниб, уларнинг моҳияти ёритиб берилди. Шу билан бир қаторда, божхона органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий таҳлили асосида таснифланди. Янги босқични характерловчи ғоятда муҳим хусусият сифатида хорижий божхона хизмати амалиётидаги давлат-хусусий шериклик механизмларига асосланган божхона-логистикаси ва бизнес ўзаро ҳаракати айниқса, “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро Конвенция (1999 йил 26 июнь Баённомаси таҳриридаги Киота Конвенцияси) ва Жаҳон савдо ташкилотининг” Халқаро савдо хавфсизлиги ва енгиллаштириш Ҳадли (рамочный) стандартлари” (2005 йил 23 июнь) қабул қилингандан кейин фаол амалга оширилаётганлиги аниқланди. Мазкур Ҳадли (рамочный) стандартларнинг иккита муҳим таянчи бўлиб “биринчи таянчи”: божхона маъмурчилиги ўртасидаги келишувлар тизими бўлса, “иккинчи таянчи”: божхона хизмати ва тадбиркорлик ҳамжамиятининг шериклик муносабатлари” ташкил этади.

Энг муҳими, божхона-логистика муносабатларида давлат-хусусий шериклик божхона инфратузилмаси объектларини молиялаштириш бўйича божхона таваккалчилигининг бир қисмини ўтказиш нуқтаи назаридан олиб қараганда нафақат давлат учун ғоятда муҳим бўлгани каби ўз навбатида, ўз маблағларини самарали жалб қилиш мақсадида хусусий сектор учун ҳам жуда истиқболли ва жозибадор бўлиб ҳисобланади, деган хулосага келинди. Божхона органлари фаолиятида оммавий ва хусусий манфаатларни уйғунлаштириш, ўз моҳиятига кўра улар томонидан фискал ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишда нафақат оммавий-ҳуқуқий мақсадларни шунингдек, ўз ваколатлари доирасида божхона тартибга солиш ва божхона чегараси орқали товарлар муомаласини тезлаштириш учун хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланишнинг истиқболли илмий-

методологик мўлжалларини махсус ўрганишга объектив эҳтиёж мавжудлиги асослангирилиб берилди.

